## Ўзбекистон — Швеция:

# ЎЗАРО АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

***Юртимизнинг халқаро миқёсдаги ҳамкорлиги кўлами йил сайин кенгайиб бормоқда. Мамлакатимиз ўзаро алоқаларни ривожлантираётган давлатлардан бири, бу Швеция Қироллигидир.***

Швеция хусусида гапирганда, у Европанинг иқтисодий ва технологик жиҳатдан тараққий этган ҳамда аҳолисининг турмуш фаровонлиги юксак бўлган давлатларидан бири эканини таъкидлаш ўринлидир. 2007 йилда Швециянинг ялпи ички маҳсулоти ҳажми 333,1 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Бу борада у нафақат Европа, балки дунё миқёсида ҳам етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

Ўзбекистон билан Швеция ўртасидаги дипломатия муносабатлари 1992 йилнинг 8 апрелида ўрнатилган.

Бугунги кунда Тошкент билан Стокгольм иқтисодиётнинг турли йўналишларида яқин алоқаларни ўрнатган бўлиб, икки мамлакат ўртасидаги сиёсий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Шу ўринда Ўзбекистон ҳам, Швеция ҳам ўзаро муносабатларда икки томонлама ва кўп томонлама узоқ муддатли, ўзаро манфаатли муносабатларни мустаҳкамлашга интилаётганини таъкидлаш даркор.

**▼ Ҳамкорлик**

Айни пайтда Швециянинг «ЛМ Эрикссон Интернейшнл АБ», «Метсо Минерале (Сала) АБ», шунингдек, «Атлас Копко Рок Дриллс АБ» каби фирмалари Ўзбекистонда муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда.

Тўғридан-тўғри хорижий сармоялар ва кредитларни жалб этиш ҳисобига амалга оширилган мақсадли инвестиция лойиҳалари дастурига мувофиқ, «Baltic Beverages Holding AB» компанияси билан ҳамкорликда «Сарбаст Плюс» қўшма корхонаси негизида умумий қиймати 54,95 миллион АҚШ долларига тенг бўлган янги заводни бунёд этиш бўйича лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди.

Ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги мавжуд имкониятларни ўрганиш мақсадида мамлакатимизда бир неча кун давомида Швециянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси (қароргоҳи Стокгольмда жойлашган) Ханс Олссон меҳмон бўлди. У Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида учрашувлар ўтказди.

Ватанига қайтиши олдидан Х. Олссон ташриф якунлари хусусида «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбирига сўзлаб берди.

— Аввало, ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан ўтказган музокараларимиз жуда самарали кечганини алоҳида таъкидлашни истардим, — деди элчи жаноблари. — Учрашувларда ҳар икки томон ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш учун барча имкониятлар мавжуд ва бу борадаги саъй-ҳаракатларни давом эттириш зарур, деган якдил хулосага келди.

Юртингиз ҳақида гапириб, аввало, ўзбек халқининг очиқкўнгиллиги ва меҳмондўстлиги мени доимо ҳайратга солганини таъкидлашни истар эдим. Ўзбекистонга келган ҳар бир инсон бу кўҳна заминнинг бетакрор таровати ва кўрку жамолидан баҳра олади. Диёрингизда қадимий ва бой тарих, улкан маданий меросни ўзида мужассам этган кўплаб тарихий шаҳарлар борки, халқингиз улар билан ҳақли равишда фахрланиб келмоқда. Инсоният цивилизациясининг бешикларидан бўлган бу кўҳна ва гўзал шаҳарларни зиёрат этганман.

Яқинда юртингиз ўз мустақиллигини эълон қилганига 17 йил тўлади. Бу — тарих нуқтаи назаридан олиб қараганда унча катта давр эмас. Аммо шу қисқа вақт ичида мамлакатингиз жадал тараққий этаётган замонавий давлатга айланди.

Айни пайтда Ўзбекистон — Швеция ҳамкорлиги анчайин юқори даражада. Юртингиздаги қулай сармоявий муҳит кўплаб швециялик ишбилармонларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу эса икки томонлама муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қўшимча туртки беришнинг муҳим омилидир. Менимча, тез орада мамлакатларимиз ўртасидаги савдо айирбошлаш ҳажмининг юксалиши, қолаверса, швециялик сармоядорларнинг Ўзбекистон бозорида фаоллашувига умид қилиш учун барча асослар мавжуд.

**Зафар АБДУҒАФФОРОВ,**
**«Жаҳон» АА мухбири.**

# ЭҲТИРОМ ВА ЭЪТИБОРНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

### Инсон азиз

Бугунгидай дориламон кунларга етказгани учун, аввало, Яратганга шукроналар айтамиз. Шунингдек, бизни азиз билиб, ҳар жиҳатдан эъзозлаётган Юртбошимиз, ҳукуматимиз, фарзандларимиздан миннатдорлигимизни такрор ва такрор тилга оламиз. Бу, биргина менинг эмас, мамлакатимизда яшаётган барча уруш ва меҳнат фахрийлари, хусусан, вилоятимизда истиқомат қилаётган 997 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 18 мингдан ортиқ фронторти меҳнатчиларининг фикри.

Мана ўзим, ҳар йили сиҳатгоҳда даволаниб, ҳордиқ чиқаришни канда қилмайман. Бултур Косонсойдаги уруш ва меҳнат фахрийлари сиҳатгоҳига оилам, невараларимни ҳам олиб бордим. Бу баҳаво маскандаги шароит, тиббиёт ходимлари жонфидолигининг ўзи кишига тетиклик бағишлайди. Ўтган мавсумда биргина Наманган шаҳри фахрийларидан 76 нафари унинг муолажаларидан баҳраманд бўлишди.

Саноқли кунлардан кейин умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш кунини нишонлаймиз, Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган оламшумул ғалабага 63 йил бўлади. Мана, қатор йилларки, ушбу байрам арафасида биз каби фахрийларни бир марталик пул мукофоти билан тақдирлаш савобли анъанага айланди. Президентимизнинг бу галги Фармонида Ватан озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашув ҳамда маърифий-бадиий кечалар ўтказиш вазифалари ҳам белгиланган. Бундай сийловлардан биз фақат ва фақат миннатдормиз.

**Низомхон САТТОРОВ,**
**Наманган шаҳрида яшовчи уруш фахрийси.**

### Элни бирлаштирувчи куч

Мамлакатимиз Президентининг "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони биз, бухороликларни ҳам ниҳоятда қувонтирди.

Иккинчи жаҳон урушида вилоятимиздан 74 минг нафардан зиёд йигит қўлда қурол билан қатнашган эди. 35 минг нафаридан кўпроғининг қабри ўзга юртларда қолиб кетди. Бугунги кунда Бухорода 914 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва ногирони — ҳаёт. Улар доимий эътиборда. Фронторти фахрийлари, ўзгалар кўмагига эҳтиёжманд қариялар, 90-100 ёшдан ошган кексалар ҳам ғамхўрлик шароитда яшамоқдалар. Шу ўринда бир мисол. Жорий йилда ҳомий ташкилотларнинг 42 миллион сўм миқдоридаги маблағи эвазига 53 нафар ёлғиз кексанинг уй-жойи таъмирланди. Жамғармамиз ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан қариялар, жумладан, уруш ногиронларининг 184 нафарига моддий ёрдам кўрсатилди. Президентимизнинг биз номини юқорида тилга олган Фармонларига мувофиқ, бу эзгу ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

**Беҳбуд ЖУМАЕВ,**
**«Маҳалла» жамғармаси Бухоро вилояти бўлими раиси.**

# КЕЛАЖАК ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТ

***Тошкент молия институтида Олий Мажлис қуйи палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоларининг талабалар билан давра суҳбати бўлиб ўтди. Мазкур қўмита раиси А. Зиё бошқарган ушбу тадбир «Ёшларга таълим-тарбия беришнинг ҳуқуқий асослари» мавзуига бағишланди.***

Давлатимиз раҳбари «Фарзандларимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир» деб таъкидлаган эдилар. Зеро, мамлакатимиз мустақил тараққиётида ёшларнинг ўрни ва уларга берилаётган эътибор қанчалик муҳим аҳамият касб этаётганлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

**▼ Тадбир**

Бугун Ўзбекистон ёшлари халқаро миқёсдаги спорт мусобақаларида, илмий конференциялар ва симпозиумлар каби турли тадбирларда ўзларининг ҳеч кимдан кам эмасликларини амалда намоён этиб келишмоқда.

Қолаверса, мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ ёшлар масаласига эътибор, ёш авлодни тарбиялаш ва ҳаётга тайёрлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳуқуқий базани яратиш устувор вазифа қилиб белгиланди. Ана шу йўналишда қонун, қарорлар ҳамда бошқа муҳим давлат ҳужжатлари қабул қилинди. Уларда ёшларга ғамхўрлик кўрсатиш, ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, янги авлод ташаббусларини қўллаб-қувватлаш каби муносабатлар ўзининг ҳуқуқий асосларини топган.

Давра суҳбати иштирокчилари «Ёшлар йили» Давлат дастурида назарда тутилган барча долзарб масалаларни ҳал этиш, бу борада қонунчилик базасини янада такомиллаштириш зарурлигини таъкидладилар. Қолаверса, таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш, Ватанимиз эртаси учун масъул авлодни вояга етказиш борасидаги бугунги саъй-ҳаракатлар ана шу йўналишдаги ниятларнинг ёрқин ифодасидир.

**Юнус БЎРОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# КИМЁ ФАНИ БИЛИМДОНЛАРИ МУСОБАҚАСИ

***Пойтахтимизда 28 апрель — 4 май кунлари мактаб ўқувчилари ўртасида кимё фани бўйича 42-Халқаро Менделеев олимпиадаси бўлиб ўтади.***

Мазкур нуфузли халқаро олимпиаданинг юртимизда ўтказилиши таълим тизимида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар самарасидир, албатта. Зеро, Юртбошимиз раҳнамолигида ўқув масканларининг замонавий шарт-шароит ва илғор педагогик технологиялар билан таъминланганлиги, ёш авлод таълим-тарбиясига ғамхўрлик халқаро миқёсда ҳам юқори баҳоланмоқда. Ўз ўрнида, Менделеев олимпиадасининг юртимизда ўтказилиши тадбир иштирокчиларини бу соҳадаги ютуқларимиз, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида амалга оширилаётган эзгу ишлар билан яқиндан таништириш имконини беради. Қолаверса, халқаро олимпиадага мезбонлик қилиш истеъдодли ёшларимизнинг билими ва имкониятларини жаҳон миқёсида намоён этишда аҳамиятлидир.

**▼ Халқаро олимпиада**

Халқаро олимпиадада иштирок этаётган ёшларимиз саралаш мусобақаларида тобланиб, барча синовлардан муваффақиятли ўтган ўқувчилардир. Шунингдек, тадбирда Россия, Украина, Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Беларусь, Озарбойжон, Арманистон, Болгария, Латвия, Молдова, Руминия, Эстония давлатлари вакиллари ҳам иштирок этадилар.

Кеча олимпиаданинг барча қатнашчилари пойтахтимиздаги қутлуғ гўша — Мустақиллик майдонидаги Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар қўйдилар. Шундан сўнг меҳмонлар Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини зиёрат қилишди.

Шунингдек, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида олимпиада қатнашчилари учун "Ёшлар ҳамдўстлиги" альянси ўтказилди. Тадбир меҳмонлари Ҳаракат ва унинг ҳомийлигидаги "Камалак" болалар ташкилоти аъзолари, "Сардорлар мактаби" тингловчилари томонидан тантанали кутиб олинди. Меҳмонлар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолияти билан танишиб, уни ўз мамлакатларидаги ёшлар ташкилотлари билан таққослаш имконига эга бўлишди.

— Тошкентга илк бор келишим, — дейди москвалик иштирокчи Иван Чернишов. — Пойтахтингиздаги Мустақиллик майдони, Амир Темур хиёбони, Ҳастимом зиёратгоҳи каби масканларда бўлиб, ўзимни гўёки, эртакларда тасвирланадиган жаннатмонанд боғу роғларда юргандек ҳис этдим. Ўзбекистонлик тенгдошларим, хусусан, "Камолот" аъзолари, "Ниҳол" мукофоти совриндорлари билан яқиндан танишдим. Улар билан бирга қўшиқ айтиб, рақс тушдик. Ўзбек ёшларининг меҳмондўст ва самимийлиги менга жуда ёқди.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.**

# ЧОРВА — ДАСТУРХОНИМИЗ БАРАКАСИ

**Президентимизнинг 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг ҳар бандини синчиклаб ўқиб чиқдим.**

Бу ҳужжат, очиғини айтганда, мамлакатимизда аҳоли, айниқса, қишлоқ аҳолиси бандлигининг ўсиши, унинг даромади ошиши орқали турмуш фаровонлигини янада яхшилаш, ички бозорни гўшт ва сут маҳсулотлари билан барқарор тўлдиришнинг муҳим омили сифатида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганининг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Гап шундаки, 1991 йилда мен 7 бош қорамол билан иш бошлаган эдим. Бугунги кунда уларнинг сони 102 бошга етди. Аксарияти — зотли моллар. Бу, албатта, 2006 йил март ойида қабул қилинган шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастури ижросининг самарасидир.

Янги қарор эса биз, фермерлар учун янада кенгроқ имкониятлар эшигини очиб бериши аниқ. Чунки унда чорва молларини кўпайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун наслчилик ишини такомиллаштириш, омихта ем тайёрлашни ривожлантириш, ветеринария хизматлари кўрсатишни яхшилашга доир комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. Хусусан, озуқа экинларига мўлжалланган ер ҳозир 290 минг гектарни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 330 минг гектарга етказилади. Омихта ем ишлаб чиқариш ҳажми 600 минг тоннадан 900 минг тоннага кўпайтирилади. Айниқса, омихта ем, шрот, шелуха, кепак ва бошқа озуқа турларини сотиш бўйича ягона ихтисослаштирилган пунктларнинг ташкил этилиши ҳаммамиз учун айни муддаодир.

**▼ Муносабат**

Шу билан бирга, қарорда ветеринария хизматлари кўрсатишни янада яхшилаш, ветеринария лабораторияларини ва зооветеринария пунктларини замонавий ускуналар ҳамда инвентарлар билан жиҳозлаш, уларни малакали мутахассислар билан тўлдириш бўйича чора-тадбирлар белгиланган. 2008-2010 йилларда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалигини юритаётган аҳолига маҳсулдор моллар сотиб олиши учун тижорат банклари ва Аҳоли бандлигига кўмаклашиш жамғармаси томонидан 120,7 миллиард сўмдан зиёд микрокредитлар ажратилиши назарда тутилган. Фермер хўжаликлари ва чорвачилик фермалари эса чорвачилик маҳсулотларини, жумладан, унинг қайта ишланган маҳсулотини сотиш тушумидан давлатнинг мақсадли жамғармалари ҳамда Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилган.

Буларнинг ҳаммаси муҳим аҳамиятга эга бўлиб, аввало, юртимизда чорвачиликни жадал ривожлантириш имконини беради. Зеро, чорва — оила баракаси, қолаверса, бутун республикамиз аҳолиси дастурхонини тўкин-сочин этувчи манба. Шу эзгу мақсад йўлида меҳнат қилиш эса биз, фермерлар учун шарафли ишдир.

**Шуҳрат ЎДАБОЕВ,**
**Шовот туманидаги «Уста Мустафо» фермер хўжалиги раҳбари, «Шуҳрат» медали соҳиби.**

# ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

сидан атрофлича фикрлашиб олинди. Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази, Ички ишлар вазирлиги ва Бош прокуратуранинг тегишли бўлинмалари раҳбарлари, сенаторлар, халқ депутатлари Қашқадарё ва Сурхондарё вилоят Кенгашларининг депутатлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари етакчилари фаол иштирок этдилар. Шу нарса қайд этиб ўтилдики, Ўзбекистонда гиёҳвандлик воситаларининг ғайриқонуний равишда муомалага киритилишига қарши курашиш муддаосини кўзлаб, кенг кўламли норматив-ҳуқуқий база шакллантирилди, таъсирчан ташкилий инфратузилма яратилди. 1999 йили "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш тизими жорий этилди. Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1994 йилда Наркотик моддаларни назорат қилиш давлат комиссияси ҳамда унинг ижро этувчи девони – Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий маркази ташкил этилди. Гиёҳвандлик воситаларининг ғайриқонуний муомалада бўлишига қарши кураш ишини мувофиқлаштириб бориш учун наркотик моддаларни назорат қилиш минтақавий комиссиялари, барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тузилмаларида, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида тегишли бўлинмалар ташкил этилди.

Шу билан бирга, муҳокама мобайнида таъкидланганидек, Марказий Осиё минтақасидаги наркотик моддалар билан боғлиқ вазият мураккаблигича қолмоқда. Бунда минтақанинг жаҳондаги гиёҳвандлик воситалари етиштиришдаги олди мамлакат — Афғонистон билан қўшни эканлиги таъсири ҳам катта. Қайд этиб ўтилганидек, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида гиёҳвандлик воситаларига қарши кураш бўйича муайян ишлар қилинаётганига қарамай, бу борада ҳали камчиликлар кўп. Давра суҳбати асносида мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг аниқ йўллари билан боғлиқ қатор таклифлар ҳам билдирилди.

Гиёҳвандлик воситаларига қарши кураш доимий эътибор қаратишни, бу ишга алоқадор барча тузилмаларнинг саъй-ҳаракатларини сафарбар этиш ҳамда жамоатчиликни фаол жалб қилишни тақозо этаётганлигига алоҳида урғу берилди. Наркотажовузларга қарши курашда салмоқли натижаларга фақатгина биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан, энг аввало, тураржойлардаги ишларни кучайтириш ҳисобига эришиш мумкин. Маҳаллаларда, айниқса, ёшлар, олий ўқув юртлари, мактаблар ва коллежлар талабалари ўртасида маърифий-тарбиявий ва профилактика йўналишидаги чора-тадбирлар ўтказишнинг аҳамияти жуда катта. Фаолиятнинг ана шу соҳаси халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг ва доимий комиссияларининг диққат марказида бўлмоғи зарур.

Давра суҳбатида сенаторлар, Вазирлар Маҳкамаси, тегишли вазирлик ва идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари, халқ депутатлари Қашқадарё ва Сурхондарё вилоят Кенгашларининг доимий комиссиялари раислари, жамоат бирлашмалари, таълим муассасалари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

**(ЎзА).**

# ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

***Пойтахтимиздаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида "Энергетика Марказий Осиё иқтисодий хавфсизлигининг омили сифатида" мавзуидаги халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир Сиёсий тадқиқотлар маркази ва ушбу университет томонидан ташкил этилди.***

Унда Марказий Осиё, Шимоли-шарқий ва Жанубий Осиё, Европа мамлакатлари, Америка ва Россиядан халқаро экспертлар иштирок этдилар.

Тадбирнинг очилиш маросимида мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида энергетика хавфсизлигини кучайтириш, энергетика салоҳиятини ошириш ва ушбу соҳада ҳар томонлама халқаро ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига катта эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бу, ўз навбатида, Марказий Осиёда минтақавий барқарорлик ва иқтисодий хавфсизликнинг муҳим омилига айланмоқда.

Жаҳон энергетика бозори ва иқтисодий хавфсизлик барқарорлигини таъминлаш муаммоси глобал хусусиятга эга. Бугунги кунда углеводород ва уран хом ашёси қазиб олишни ва унинг захирасини кўпайтириш, уларни узоқ муддат етказиб бериш истиқболлари ва нарх-наво сиёсати турли халқаро ҳамда давлатлараро даражада муҳокама этилмоқда. Бу борада Марказий Осиё давлатлари, уларнинг жаҳонда йирик нефть, газ, уран, кўмир, электр энергиясини ишлаб чиқарувчилар, шу билан бирга, истеъмолчилари ҳисобланган Россия, Хитой, Европа Иттифоқи мамлакатлари каби минтақавий ҳамкорлари ҳам бундан мустасно эмас.

Бу ерда ўтган баҳс-мунозаралар давомида Марказий Осиё ичида ҳамда минтақа давлатлари, хорижий истеъмолчилар, етказиб берувчилар ва транзитчилар ўртасида энергетика ҳамкорлигини ривожлантириш истиқболлари бўйича эркин фикр алмашилди.

Энергетика-ресурс салоҳиятига бой бўлган Марказий Осиё давлатлари ва умуман, ушбу минтақа ҳозирги кунда жаҳонда энергетика соҳасида кечаётган геосиёсий ва геостратегик жараёнларнинг тобора фаол иштирокчисига айланмоқда. Бу масала турли даражада экспертлар томонидан кенг муҳокама этилмоқда.

Учрашувда сиёсат ва иқтисодиётда энергетика омилининг муҳим ўрни, Марказий Осиё энергетика салоҳиятининг дунё тараққиётидаги аҳамияти, энергия ресурсларини Марказий Осиёдан транспортировка қилишнинг жорий ва истиқболдаги йўналишлари, манфаатдор мамлакатлар позицияси ва ёндашувлари каби кенг кўламли долзарб масалалар кўриб чиқилди. Шу билан бирга, Марказий Осиё минтақасининг инвестициявий жозибадорлиги, атроф-муҳит хавфсизлиги, қайта тикланаётган энергия манбаларини ривожлантириш, нефть-газ экспорт қиладиган мамлакатларнинг энергия ресурслари истеъмолчилари билан халқаро ҳамкорлиги каби мавзулар ҳам муҳокама этилди. Мутахассислар инсон омилига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, ушбу минтақада яшаётган одамлар, келажак авлод ҳақида ғамхўрлик қилиш устувор масала эканини қайд этишди.

Тадбирда сўзга чиққан Р. Маҳмудов, С. Рустамов (Ўзбекистон), Ш. Акинер (Буюк Британия), М. Олкотт (АҚШ), С. Лузянин (Россия), Чэнь Цзецзюнь (Хитой), Б. Султонов (Қозоғистон) ва бошқалар шу ҳақда гапирдилар.

**В. НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

***Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг Мувофиқлаштирувчи кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди.***

# МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

Кенгаш йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг масъул ходимлари иштирокида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни рўйхатдан ўтказиш, кўриб чиқиш ва ҳал этишда қонунларга риоя қилиниши, бу борадаги прокурор назорати, шунингдек, диний экстремизм ва терроризмнинг турли кўринишларининг олдини олиш ва унга қарши курашиш билан боғлиқ қонунларнинг ижро этилиши муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси матбуот хизматидан маълум қилишларича, йиғилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда кўриб чиқиш борасида муайян ишлар амалга оширилгани эътироф этилиши билан бирга, бу тоифадаги мурожаатларни ҳал этишда жиноятларни ҳисобдан яшириш ва бошқа жиддий қонунбузилишларга йўл қўйилишининг сабаблари ва шарт-шароитларига алоҳида эътибор қаратилган. Бундай нуқсонларнинг олдини олиш бўйича кескин чоралар кўриш, бу йўналишда прокурорлик ва идоравий назоратни янада кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан диний экстремизм ва терроризмнинг турли кўринишлари олдини олиш ва уларга қарши курашиш билан боғлиқ қонунларга риоя этилишига оид масала муҳокамаси чоғида бу борада кўрилаётган чора-тадбирлар ҳам ўзининг муайян самарасини бераётгани қайд этилди.

Шу билан бирга, диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, бу турдаги жиноятларга қарши кураш борасидаги иш услубини янада такомиллаштириш, диний-экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолган шахсларни аниқлаш ва уларни тузалиш йўлига солиш бўйича мавжуд имкониятлардан кенг фойдаланиш ҳамда бу соҳадаги прокурор назоратини янада кучайтириш ҳақида тўхталиб ўтилди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишида мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва ушбу соҳаларда фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА).**

***— Кейинги пайтларда аҳоли томонидан банкларга омонат қўйиш борасида жиддий ўзгариш сезилди, — дейди Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Самарқанд вилояти бўлими бошқарувчиси ўринбосари Ҳабиб Жумаев. — Ортиқча маблағини сақлаш учун банкларга мурожаат қилаётганлар сони кескин ошди. Мамлакатимиз Президентининг шу йил 20 февралдаги «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бундай ўзгаришларнинг асосий омили бўлди. Шу пайтгача банк ва мижоз ўртасида учраган ишончсизликка мазкур ҳужжат туфайли бутунлай чек қўйилди, деб бемалол айтиш мумкин.***

Молия муассасаларида

# ИШОНЧЛИ, ДАРОМАДЛИ ВА ҚУЛАЙ



Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Марказий банк вилоят бош бошқармаси билан биргаликда банкимиз ва филиалларимизда семинарлар ташкил этдик, тушунтириш ишларини олиб бордик. Мижозларга тушунарли бўлиши учун кенг миқёсда реклама паннолари тайёрладик. Банкда ҳар бир омонат тури тўлиқ тафсилотлари билан маълумотномалар орқали ёритилиб берилди. Фармонда кўрсатилганидек, банк ходимлари томонидан бирор-бир қонун бузилишларига йўл қўйилган тақдирда мижозлар учун банк ишонч телефонлари жорий қилинди.

Тўғри, шу пайтга қадар ҳам аҳоли томонидан банкларга омонатлар қўйилаётганди. Аммо омонатни расмийлаштиришда унинг ҳажми айрим банк ходимларида шубҳа уйғотганлиги боис ортиқча саволларнинг келиб чиқишига йўл қўйиларди. Бунинг устига кейинги вақтда омонатларга бериладиган даромад фоизлари ҳам камайиб кетганди. Бу эса нақд пулнинг банкда айланишига салбий таъсир ўтказарди.

Эндиликда эса мижознинг банкка хоҳлаган миқдордаги омонатини қўйиши ва даромад олиши кафолатланди. Банкларда мижозга нисбатан ортиқча саволларга, шубҳали муносабатларга ўрин қолмади. Ўз навбатида омонат қўювчи мижозлар сони ҳам кун сайин ошиб бораяпти. Айниқса, яқинда жорий этилган миллий валютада қабул қилинувчи «Кўклам» ва «Баҳорги», хорижий валютадаги «Комфорт-2» омонат турлари мижозларда катта қизиқиш уйғотаяпти. Ана шунинг ўзи аҳоли томонидан банкка бўлган ишончнинг ошганини кўрсатади.

— **Фармонда омонатчиларга бир қатор имтиёзлар яратилиши ҳам кўрсатилган.**

— Омонатларга тўланадиган даромадлар фоизи турлича. Масалан, миллий валютада қабул қилинадиган омонатларда 30 фоиз, хорижий валютада эса 10 фоизликлари бор. Пул маблағлари фоизлари билан ўз вақтида, мижознинг биринчи талабидаёқ тўланишига банк кафолат беради. Асосийси, Фармонда банкларга солиқ имтиёзлари берилиши ҳам кўрсатиб ўтилган. Бу банклар томонидан мижозларга юқори миқдорда даромадли фоизлар бериш имкониятини яратади. Омонатларнинг декларация қилинмаслигини ҳам омонат қўювчилар билиб қўйганлари маъқул. Омонатга қўйилган маблағлар манбалари мижоздан суриштирилмайди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш, солиқ ва маҳаллий ҳокимлик органларига мижозларнинг омонатдаги маблағлари тўғрисида маълумот берилмайди. Бу имтиёзлар шу йилнинг 1 апрелидан бошлаб бир йил мобайнида амалда бўлади.

## «ЎЗМИЛЛИЙБАНК»

### ВИЛОЯТ БЎЛИМИ ВА ФИЛИАЛЛАРИНИНГ МАНЗИЛИ ВА ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ РАҚАМЛАРИ:

| Филиаллар номи | Манзили | Ишонч телефонлари |
|---|---|---|
| Самарқанд бўлими | Самарқанд шаҳри, Фирдавсий кўчаси, 7-уй. | 233-02-06<br>233-55-95 |
| Каттақўрғон бўлими | Каттақўрғон шаҳри, Қорадарё кўчаси, 1-уй. | 455-14-61<br>455-37-88 |
| Ургут бўлими | Ургут тумани маркази, Навоий шоҳкўчаси, 1-уй. | 483-04-64<br>483-14-01 |
| Булунғур бўлими | Булунғур тумани маркази, Булунғур кўчаси, 25-уй. | 442-11-02<br>442-12-43 |
| Жомбой бўлими | Жомбой тумани маркази, Охунбобоев кўчаси, 10-уй | 231-99-14<br>233-65-09 |
| Нуробод бўлими | Нуробод тумани маркази, Мустақиллик кўчаси, 27-уй. | 633-18-88<br>633-24-93 |
| Пастдарғом бўлими | Пастдарғом тумани маркази, Самарқанд кўчаси, 87-уй | 465-30-01<br>465-23-15 |

**«ЎЗМИЛЛИЙБАНК» ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИГА ЎЗ ОМОНАТИНГИЗНИ ҚЎЙИБ, ҚУЙИДАГИ ИМТИЁЗЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШИНГИЗ МУМКИН:**

*— Омонатга қўйиладиган маблағлар декларация қилинмайди.*

*— Омонатга маблағлар чекланмаган миқдорда қабул қилинади.*

*— Пул маблағлари аноним — номи кўрсатилмаган омонат турларига чекланмаган миқдорда қабул қилинади.*

*— Омонатлар тўғрисидаги маълумотлар сир сақланиши кафолатланади.*

*— Омонатдан олинган даромадлар солиққа тортилмайди.*

*— Омонатлар мижознинг биринчи талабидаёқ, қайтариб берилиши кафолатланади.*

*— Омонатлардан нақд пулда, нақд пулсиз шаклда чекланмаган миқдорда фойдаланиш мумкин.*

**Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**


*Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!*

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ**

**ҚУЙИДАГИЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

**бош кийимлар, ҳарбий хизматчилар учун ички кийим ва трусилар, погонлар, галстуклар, плаш-ёпқичлар, почапўстинлар (бекеши), пост пўстинлари, жемперлар, ёток анжомлари, шахсий гигиена воситалари, кўлқоплар, госпиталь буюмлари, фурнитура, матраслар, ювиш воситалари.**

Тўлиқ маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 19.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: **8 10 998 (371) 256-74-16, 281-43-72, 236-39-60, 255-85-03. Факс: 8 10 998 (371) 281-43-73.** E-mail: **umtvs@uzpak.uz**

Талабгорлардан танловда иштирок этиш таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2008 йил 15 май куни соат 17.00 гача.

Манзил: **Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент ш., Шота Руставели к., 1-берк кўча, 1-уй.**

714R/733

**Республика Кўчмас мулк биржаси Хоразм вилояти филиали**

**нархлари ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти судининг 2007 йил 17 августдаги 632-сонли ижро варақасига асосан, Урганч тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, «Иноят Инвест» МЧЖга қарашли бўлган, Урганч тумани, Ғойбу қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 1,8 гектарни, қурилиш ости ер майдони 997,69 кв. метрни ташкил қилган автомобилларга сиқилган газ тарқатиш шохобчаси (*шохобчанинг компрессор цехида 5 (беш) та табиий газни сиқиш компрессори ўрнатилган*) қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 1 819 225 000 сўм.

Аукцион савдоси 2008 йил 27 май куни соат 11.00 да Урганч шаҳри, Й. Бобожонов кўчаси, 23-уйда ўтказилади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун аризалар савдо бошланишидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади.

Савдода иштирок этиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Хоразм вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт: 20210000700571452056, МФО 00580, ИНН 200933850, АТИБ «Ипотекабанк»и «Тинчлик» филиали.

**Қўшимча маълумотлар учун телефон: 226-32-63. Факс: 226-43-64.**

715R/599

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

**«MUNITSIPAL AUKSION MARKAZI»**

**сизларни 2008 йил 27, 30 май ва 3 июнь кунлари соат 14.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига таклиф этади.**

**Тошкент вилояти хўжалик судининг қарорига асосан, банкрот деб эътироф этилган, Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Холниёзов кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган «Тошвилмелиосувқурилиш» трестига қарашли «2-механизациялашган кўчма колонна» корхонаси бино ва иншоотлари мол-мулклари билан бошланғич баҳоси 187 000 000 сўм миқдорида очиқ аукцион савдоларига қўйилади.**

**Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризаларни қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.**

**Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Munitsipal Auksion Markazi»нинг АИКБ «Ипак йўли», МФО 00444, СТИР 300053338, 20208000104555055002 ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт.**

**Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, «М-14», 19-уй. Телефонлар: 244-88-04, 244-88-03.**

*Гувоҳнома: № 001568-09.*


Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси жамоаси Жисмоний тарбия ва спорт кафедраси мудири Аъзамжон Шокиржоновга акаси

**Иброҳим НОРМАТОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Телерадиодастурларни мониторинг ва таҳлил қилиш бўлими бош мутахассиси Ўрол Ўтаевга ўғли

**Беҳзод ЎТАЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.


**2008 йил 29 май** **ЭЪЛОН!** **соат 10.00 да**

| | |
|---|---|
| ВШ-709 | «Янгиер — Тошкент» Тошкент томонидан |
| ВШ-723 | «Наманган — Фарғона» икки томондан |
| ВШ-726 | «Қўқон — Чуст» икки томондан |
| ВШ-748 | «Нукус — Урганч» икки томондан |
| ВШ-764 | «Андижон — Фарғона» икки томондан |
| ВШ-771 | «Наманган — Марғилон» Наманган томонидан |
| ВШ-780 | «Даштобод — Тошкент» икки томондан |
| ВШ-782 | «Қозоғистон» ш.х. — Тошкент» икки томондан |
| ВШ-788 | «Гулистон — Тошкент» икки томондан |
| ВШ 797 | «Жиззах — Тошкент» икки томондан |
| ВШ-799 | «Самарқанд — Пахтакор» икки томондан |
| ВШ-820 | «Самарқанд — Олмалиқ» икки томондан |
| ВШ-835 | «Андижон — Марғилон» Андижон томонидан |
| ВШ-848 | «Самарқанд — Термиз» Самарқанд томонидан |
| ВШ-863 | «Самарқанд — Гагарин» икки томондан |
| ВШ-922 | «Навоий — Қарноб» икки томондан |
| ВШ-939 | «Ургут — Тошкент» икки томондан |
| ВШ-970 | «Гулистон — Гагарин» Гагарин томонидан |
| ВШ-972 | «Дўстлик — Гулистон» икки томондан |
| ВШ-1088 | «Беруний — Тошкент» икки томондан |
| ВШ-762-Т | «Навоий — Тошкент» икки томондан |
| ВШ-956-Т | «Урганч — Тошкент» икки томондан |
| ВШ-1022-Т | «Денов — Тошкент» икки томондан |
| ВШ-1082-Т | «Жаркўрғон — Тошкент» Тошкент томонидан |
| ВШ-851-ЙТ | «Деҳқонобод — Музробод» икки томондан |
| ВШ-972-ЙТ | «Дўстлик — Гулистон» икки томондан |
| ВШ-1104-ЙТ | «Хатирчи — Самарқанд» икки томондан |

**шаҳарлараро-вилоятлараро автобус ва йўналишли такси йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очиқ тендер ўтказилади.**

Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳарлараро йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси бўлган хўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин.

**Тендер ташкилотчиси** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли қарори билан тузилган шаҳарлараро-вилоятлараро ва халқаро йўналишларни жойлаштириш учун очиқ тендерлар ўтказишни ташкил этиш масалалари бўйича **Идоралараро комиссия**.

**Комиссия манзили:** Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур кўчаси, 3-уй.

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар **идоралараро комиссияга** тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги «Турон» АТБдаги 20210000000745005012 махсус ҳ/р (банк коди 00446, ИНН 202811527, ХХТУТ 97300)га 25 000 сўм ўтказиб, 2008 йил 24 майгача буюртма беришлари лозим.

**Идоралараро комиссия** тендер таклифларини 2008 йил 28 май соат 19.00 гача қабул қилади.



**Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур кўчаси, 3-уй, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги мажлислар зали.**

**Маълумот учун телефонлар: 241-56-27, 241-18-10.**

**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН, ТАДБИРКОР ХОНИМЛАР ВА ЖАНОБЛАР!**

**ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ «УНИВЕРСАЛ БИРЖА МАРКАЗИ» ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

***очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**2008 йил 13 май куни соат 15.00 да «Универсал биржа маркази» биносида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига суд ижрочилари томонидан хатланган қуйидаги мулк қайтадан савдога қўйилмоқда:**

Суд ижрочилари Қувасой шаҳар бўлими томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2006 йил 9 мартдаги 15-06-06/381-сонли ижро ҳужжатига асосан, рўйхатга олинган, Қувасой шаҳри, «Дўстлик» МФЙ, Дўстлик қишлоғида жойлашган, «Қувасойпарранда» АЖга қарашли трактор парки бино-иншоотлари.

Бошланғич баҳоси — 53 938 574 сўм.

Шунингдек, 27 май кунидаги савдоларга қуйидаги мулк чиқарилмоқда:

Суд ижрочилари Қўқон шаҳар бўлими томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг ижро ҳужжатига асосан, рўйхатга олинган, Қўқон шаҳар ҳокимлиги хўжалик ҳисобидаги мукаммал қурилиш бўлимига қарашли, Б. Нақшбандий кўчаси, 2-уйда жойлашган бино-иншоотлар.

Бошланғич баҳоси — 50 271 000 сўм.

Савдода қатнашиш истагидаги харидорлар савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 50 фоизи миқдоридаги закалат пулини қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22622000304234776002, АТ «Ипотека банк»и Фарғона филиали, МФО 00544.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 15.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун ҳужжатларни тақдим этиш юзасидан ва қўшимча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

**Ўзбекистон Банклари ассоциацияси «Универсал биржа маркази» Фарғона филиали, Фарғона шаҳри, А. Навоий кўчаси, 47-«А» уй, 2-хона. Телефон: 226-95-98.**

**Лицензия серияси ДВ 001 № 000010.**



*Вниманию руководителей организаций!*

**Организация предлагает в лизинг и на условиях купли-продажи**

**бетономешающую станцию типа HZS50** производства Китая.

**Производительность — 50 м³/час.**

***Срок поставки — апрель-май 2008 года.***

**Контактный телефон 252-28-95. Факс 140-07-20.**

**ООО «Росагропромснаб» предлагает:**

**СЧЕТЧИКИ ГАЗА** ультразвуковые «Гобой-1»



**СЧЕТЧИКИ ГАЗА** вихревые СВГ.М



На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия.
Гарантийный срок на поставляемую продукцию – 12 месяцев со дня установки.
Отдельно предприятие поставляет краны, отводы, задвижки и фильтры различных диаметров.

Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, кв-л 6, д. 2 (Ор-р – метро «М. Улугбек»)
Товар сертифицирован Тел./факс: 273-16-40, 276-90-57

**Алоҳида ҳолда ИСИТИШнинг янгича ечими Газда ишлайдиган АКОГ иситиш конвектори:**

- ***хонани тезда иситади;***
- ***белгиланган ҳароратни автоматик равишда бир маромда сақлайди;***
- ***совуққа чидамли, сув, электр таъминоти ва газ босими ўзгариши унга таъсир кўрсатмайди;***
- ***газни тежаб сарфлайди;***
- ***бинолар, коттежлар, дала ҳовлисидаги уйларни иситишда унинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди.***

**Ишлаб чиқарувчидан арзон нархларда тўғридан-тўғри етказиб берилади. Етказиб бериладиган маҳсулот сертификатланади.**

Тошкентдаги телефон: 242-84-64, 242-93-73. E-mail: ubcazia@rambler.ru


## «Экосан» туҳфаси

***«Экосан» халқаро ташкилотининг навбатдаги инсонпарварлик карвони Фарғона вилоятига етиб келди.***

42 миллион сўмлик уй-рўзғор буюмлари, санитария-гигиена воситалари Ўзбекистон, Риштон, Данғара, Учкўприк туманларида истиқомат қилаётган кам таъминланган оилаларга, боқувчисини йўқотган кексаларга тарқатилади.

Шунингдек, инсонпарварлик ёрдамининг бир қисми «Ёшлар йили» муносабати билан ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш учун ажратиладиган бўлди.

**Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.**

